

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI

FARG'ONA VILOYAT
BOSHQARMASI

QO'QON SHAHAR
DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

RO'YXATGA OLINDI

20.08.2019. № 194896



«Qo'qon superfosfat zavodi» AJning
Акциядорлар навбатан ташқари умумий
йиғилиши томонидан
2019 йил 14 августдаги
2-сонли қарор асосида



«INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

USTAVI

Қуқон шахри – 2019 й.

ПРЕАМБУЛА

«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилди.

Мазкур Уставда қўлланилган атамалар ва таърифлар қуйидаги маънода қўлланилади:

«**Жамиятнинг Устави**» деганда Жамиятнинг асосий таъсис ҳужжати тушунилади.

«**Устав фонди**» деганда Жамиятнинг устав фондининг қиймати тушунилади.

«**Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши**» деганда Жамиятнинг олий бошқарув органи тушунилади.

«**Қонунчилик**», «**Амалдаги Қонун**» ёки «**Қонун**» деганда Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай бошқарув органи томонидан қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Қонунлар, Фармонлар, Қарорлар ва ҳоказолар тушунилади

«**Кузатув Кенгаши**» деганда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Жамиятнинг умумий бошқарув фаолиятини амалга оширувчи кузатув органи тушунилади;

«**Учинчи томон**» Акциядор бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс;

«**Сўм**» деганда сўм, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси тушунилади;

«**АҚШ доллари**» деганда АҚШ доллари, Америка Қўшма Штатларининг миллий валютаси тушунилади.

Мазкур Уставда, агар мазмун бошқача ифодаланмаган бўлса:

— «**Устав**» деганда унга ўзгартириш киритилганлиги, янгиланганлиги ёки қўшимча киритилганлиги ёки вақти-вақти билан ўзгартирилиши, янгиланиши ёки қўшимча киритилиши мумкинлиги муносабати билан, мазкур Уставга ҳавола сифатида талқин қилиниши лозим;

— «**кун**» ёки «**кунлар**»га ҳавола қилинганда календар кунлар тушунилиши лозим;

— «**жумладан**» ёки «**ўз ичига олади**» деганда ҳеч қандай чекловларсиз шу жумладан ёки ўз ичига олиш тушунилади;

— «**шахс**»га ҳавола жисмоний шахсни, корпорацияни, компанияни, шериклик хўжаликларини, фирмани, ишончли бошқарувчини, трастни, ижрочини, маъмурий бошқарувчини ёки бошқа қонуний шахсий вакилни, нокорпоратив ассоциация, қўшма корхона, синдикат ёки бошқа бизнес муассасаларини, ҳар қандай ҳукумат, маъмурий ёки тартибга солувчи орган ёки агентлик (мазкур шахс баъзан мазкур ҳужжатда шундай сўзларнинг баъзилари билан биргаликда қўлланилиши мумкинлигига қарамасдан) ва уларнинг тегишли ворисларини, қонуний шахсий вакиллари ва руҳсат этилган ворисларини ўз ичига олиб, вазиятга ва олмошига қараб шунга ўхшаш кенг маънога эга бўлишлари лозим.

— «**ёзма шакл**»га ёки шунга ўхшаш таърифларга ҳар қандай ҳавола уни қабул қилиб олувчи томонидан чоп этиш мумкин бўлган ҳамда бошқа амалдаги ва келажакда шунга таққосланиши мумкин бўлган алоқа воситалари орқали, факсимиле орқали, шунингдек

электрон манзил орқали юбориладиган хабарларга ва бошқа электрон хабарларга хаволани ўз ичига олади;

— Мазкур Устав тили унинг барча қисмларида ва барча ҳолатларида ўзининг адолатли мазмуни, қатъийлигига мувофиқ бир бутун сифатида талқин қилиниши лозим бўлиб, у томонларнинг ҳеч бирининг фойдаси учун ҳам эмас ва ҳеч бирига қарши маънода ҳам эмас, қандайдир ҳужжатни ишлаб чиққан шахсга қарши ҳужжат қатъийроқ талқин қилиниши лозим деган тузилган қоидалар муносабати билан шартлар Томонларнинг бирига нисбатан қатъийроқ талқин қилинишини кўзда тутувчи презумпцияни назарда тутмаслиги лозим. Томонларнинг ҳар иккиси ҳам уларнинг тегишли адвокатлари ва вакиллари мазкур Уставнинг тайёрланишида, кўриб чиқилишида ва муҳокамасида иштирок этишганини тан оладилар;

— Мазмун бошқача ифодаланмаган бўлса, бирлик шаклида келтирилган сўзлар кўпликни англатади ва аксинча.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «Qo`qon superfosfat zavodi» АЖнинг номи «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖга ўзгариши муносабати билан, «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖ аввал 06.07.2014 йилда I-1749 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Qo`qon superfosfat zavodi» АЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг фирма номи:

Тўлиқ:

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида): «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти;

Ўзбек тилида (лотин алифбосида): «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» aksiyadorlik jamiyati;

Инглиз тилида: «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» Joint-Stock Company;

Рус тилида: Акционерное общество «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals»;

Қисқартирилган:

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида): «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖ;

Ўзбек тилида (лотин алифбосида): «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» AJ;

Инглиз тилида: «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» JSC;

Рус тилида: АО «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals»;

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 150700, Фарғона вилояти, Кукон шаҳри, Давронбек кўчаси, 87-уй.

1.5. Жамиятнинг веб-сайти: www.superphosphate.uz

1.6. Жамият электрон манзили: ikf@indorama.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

2.2. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка, хўжалик фаолиятдан олинган фойдага, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар натижаларига, шунингдек Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ бошқа асосларга кўра олинган бошқа мулкка эга бўлади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан фақат Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ ундириб олиш қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.4. Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган акциядорлик Жамият ёки маъсулияти чекланган Жамият шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

2.6. Жамиятнинг филиали мавжуд: «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» Акциядорлик Жамиятининг Тошкентдаги филиали, жойлашган манзили: 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., А.Тимур кўчаси, 11/1-уй.

2.7. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.8. Жамият бошқа корхоналар ва ташкилотлар ташкил этишда ўз пул маблағлари ва пулдан ўзга воситалар билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга. Агар Жамият хўжалик жамияти овоз берувчи акцияларининг 20% (йигирма фойз)дан кўпига эгаллик қилса, бундай хўжалик жамияти Жамиятга тобе ҳисобланади.

2.9. Жамият мустақил балансга ва фойда ва зарарлар ҳисоботида эга бўлади.

2.10. Жамият ўз номидан битимлар тузишига, мулк ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олиши ҳамда улардан фойдаланишига, мажбуриятларни бажаришига, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашишига ҳақлидир.

2.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк хисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.12. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган тўртбурчак штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.13. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.14. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Қонунчилигига, мазкур Уставга ва Жамият ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

2.15. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

3.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятдан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишдир.

3.2. Жамиятнинг асосий мақсадлари давлат иқтисодий манфаатлар, аҳолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва акциядорлар ҳамда жамият меҳнат жамоасининг манфатини кўзлаб меҳнат қилиш йўли билан фойда олишдан иборат бўлиб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўли билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган.

3.3. Жамият Ўзбекистон Қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

3.4. Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мақсадида Жамият қуйидагиларга ҳақли:

- хўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини мустақил равишда режалаштириш;
- Қонунда белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда ўз маҳсулотлари, товарлари ва хизматларининг нархи ва тарифларини мустақил равишда белгилаш;
- белгиланган тартибда ўз маблағларини Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида жойлашган корхона ва ташкилотларга сармоя киритиш, устав капиталларни сотиб олиш, бино, бино-иншоот, ер, табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини, қимматли қоғозлар, ва қонунга асосан мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган бошқа мулклар;
- ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар чиқариш;
- чет эл ва маҳаллий мутахасисларни жалб қилиш;
- мустақил равишда иш ҳақи турини ва миқдорини Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ белгилаш;
- белгиланган тартибда ваколатхона очиш.

3.5. Жамиятнинг мақсад ва фаолият турлари куйидагилар:

- фосфарит унлари, сульфат кислотаси, суюқ аммиак ва бошқа турдаги хом-ашёларни, ярим тайёр махсулотларни шартнома асосида республика миқёсида ва республикадан ташқари давлатларда битимлар асосида сотиб олиш ва уларни қайта ишлаш;
- минерал ўғитлар, халқ истеъмоли моллари ва бошқа турдаги товар махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларини амалга ошириш;
- Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш.

3.6. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди **2 916 798 000** (икки миллиард тўққиз юз ўн олти миллион етти юз тўқсон саккиз минг)сўмни ташкил этади.

Жами 9 320 347 дона акция эълон қилинган.

Жами 972 266 дона акция жойлаштирилган.

Битта акциянинг номинал қиймати - 3000 сўм

а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

4.4. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади.

4.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.7. Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи белгиланади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.8. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.9. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.10. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

4.11. Жамиятнинг устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.12. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

5.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

5.2. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

5.3. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.4. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

5.5. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

5.6. Жамиятнинг жойлаштирилган умумий акциялари миқдори номинал қиймати 3 000 (уч минг) сўм бўлган 972 266 (тўққиз юз етмиш икки минг икки юз олтмиш олти) дона, шундан 964 451 дона оддий ва 7 815 дона номланган хужжатсиз акциялардан иборат.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

6.1. Жамият қўшимча акцияларни очик ёки ёпиқ обуна усулларида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.2. Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

6.3. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштиришнинг бозор қиймати Жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6.4. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Акциядор, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.6. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

6.7. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

6.8. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этиши шарт.

6.9. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли.

6.10. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида, йирик битим тузиш тўғрисида, шунингдек жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.11. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Жамият акциядорлари:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг кўмитаси ташкил этилиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзларига тегишли акциялари Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

7.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик қилувчи акциядорлар жамиятнинг молия йили тугагандан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатувкенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

7.4. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

7.5. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

7.6. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

7.7. Жамият акциядорлари куйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилмаслик;

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

VIII. ЖАМИЯТ ДАРОМАДИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

8.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

8.3. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

8.4. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

8.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

8.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

8.8. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8.9. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

8.10. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият

акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.12. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга, ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

8.13. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

8.14. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

8.15. Жамият томонидан чиқариладиган имтиёзли акциялар агар Жамиятнинг тўлашга манбаси бўлса, яъни захира фондида маблағлари бўлса, Жамиятнинг фойда келтиришидан қатъи назар уларнинг номинал қийматидан 20% миқдорда ёки умумий йиғилиш қарорига кўра оддий акцияларга белгиланган сумма билан тенг миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

9.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.3. Жамият устав фондининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

9.4. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори ушбу уставнинг 9.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.5. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Х. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

10.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

ХІ. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМІЙ ЙИВИЛИШИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиритиш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомда белгиланади.

11.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин камида икки ой ўтгандан сўнг ва олти ойдан кечиктирилмаган давр мобайнида, июн ойи охирига ҳафтасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва бизнес-режасини тасдиқлаш;
- кузатув кенгаши ва ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари кўриб чиқиши;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқиши мумкин.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

- Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;
- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- Жамият кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;
- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилиш низомини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Жамиятнинг бош директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимлар бўйича (акциядордан олинadиган қарз ҳам) қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуннинг 8 ва 9 боблар бўйича);
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун ҳужжатларига, ушбу Устав ва «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида»ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

11.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг бош директорига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг ижроия органини тузиш, Бош директорини сайлаш (тайинлаш), ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.

11.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

11.8. Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

11.9. Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортга оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

11.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсат) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

11.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

11.12. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

11.13. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

11.14. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

ХП. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш (Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин.);
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилиланган шахслар иштирокида битимлар тузиш (акциядордан олинадиган қарз ҳам) тўғрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуннинг 8 ва 9 боблар бўйича);

— Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироқи билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

12.3. Қуйидагилар Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига ҳам киритилган:

— жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

— Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

— аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш;

— қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисолага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

12.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга тайинланадилар (сайланадилар). Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7(етти) кишидан иборат.

Жамият кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

12.6. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

12.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган бошқа талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган «Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми»да белгилаб қўйилади.

12.8. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

12.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзосининг, бошқарувнинг талабига кўра чақирилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш ҳақида ёки, конунчиликда белгиланган ҳолатларда, уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай мажлис уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

12.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;
- Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;
- Жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимлар тузиш.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

12.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

12.12. Жамияткузатув кенгаши қонун ҳужжатлари, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш юритади.

ХШ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият яккабошчилик асосида ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг Бош директори қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш юритади.

13.2. Жамият ижроия органининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бош директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

13.3. Жамият Бош директори ваколатига қўйидагилар киради:

- Устав ва Жамият кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш;
- Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик

ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар бўйича қонунчилигида ва Устав жамиятида белгиланган тартибда кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тўғрисида талаб қилиш;
- қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бош директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.4. Жамият Бош директори ҳар чоракда Жамият кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Жамият Бош директори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

Жамиятнинг Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

13.5. Жамият Бош директори ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Ижроия органи тўғрисида»ги низомда ҳамда Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

13.6. Бош директор билан шартнома Жамият номидан Жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.7. Бош директор қуйидагиларга ҳақли:

- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- Жамият тизимига кирувчи тармоқ корхоналарининг фаолиятини назорат қилиш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;
- ҳақ олиш;

Бош директор бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.8. Бош директор мажбуриятлари:

- Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;
- Жамият кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;
- акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;
- Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида

- тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлик ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;
 - Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;
 - Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

13.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

XIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ва Жамиятнинг Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

14.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг Бош директори жавобгар бўлмайди.

14.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият кузатув кенгаши аъзоси, Жамиятнинг Бош директори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

XV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат. Айтилган бир шахс айтилган бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

15.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва унинг фаолиятининг тартиби амалдаги қонунчилик, мазкур устав ва умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомбилан белгиланади.

15.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

15.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият бош директори Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

15.5. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

15.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

15.7. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ёки Бош директор Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

б) Ички аудит хизмати

15.8. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда устав капиталини 50 фоизи миқдоридаги улуш жамиятга тегишли бўлган юридик шахсларнинг хўжалик муомалаларини ички назоратини амалга оширади ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.10. Жамият ички аудит хизматининг ваколатлари ва унинг фаолиятининг тартиби амалдаги қонунчилик, мазкур устав ва Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Жамият ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомбилан белгиланади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

15.11. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик ҳулосасини тақдим этади.

15.12. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

г) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

15.13. Жамият кузатув кенгаши корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тўғрисида қарор қилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчиси Жамият кузатув кенгашига ҳисобдордир ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

15.14. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

16.1. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

16.2. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

16.3. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамиятнинг бош директори зиммасида бўлади.

16.4. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

16.5. Бошқарув ва назорат органларининг ҳисоботларига талаблар Акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган тегишли ички қоидалар орқали аниқланади.

16.6. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг Йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.7. Жамият йиллик Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказиш санасидан камида 2 ҳафта олдин Халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилган ташқи аудитдан сўнг МХХСга мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботни (матбуотда) эълон қилиши лозим.

16.8. Жамиятнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботида, акциядорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар ҳисобланаётганда, шунингдек, бошқа ҳар қандай мақсадлар учун, валютани конвертациялашни амалга ошириш лозим деб ҳисобланганда, бундай конвертация ваколатли банк томонидан битим амалда тузилган кун бўйича белгиланган алмаштириш курси орқали амалга оширилади.

XVII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби

17.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

17.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан Жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қўйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;
- бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

17.3. Янги юридик шахснинг унга ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта Жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан вужудга келиши акциядорлик Жамиятларининг ёхуд акциядорлик Жамияти ва масъулияти чекланган Жамиятнинг қўшиб юборилиши деб эътироф этилади. Акциядорлик Жамиятини юридик шахслар билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қўшиб юборишга йўл қўйилмайди.

Қўшиб юборишда иштирок этаётган Жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир Жамият акцияларини (улушларини) янги юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир юридик шахснинг кузатув кенгаши ёки ваколатли органи қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни қўшиб юборишда иштирок этаётган акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Янгидан вужудга келаётган юридик шахснинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган Жамиятлар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Жамиятлар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби юридик шахсларни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар топшириш далолатномасига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

17.4. Бир ёки бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш Жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади.

Кўшиб олинаётган Жамият ва кўшиб олаётган юридик шахс кўшиб олиш тўғрисида шартнома тузади, унда кўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек кўшиб олинаётган Жамиятнинг акцияларини (улушларини) кўшиб олаётган Жамиятнинг акциялари ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир юридик шахснинг кузатув кенгаши ёхуд ваколатли органи кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва кўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўшиб олишда иштирок этаётган ўз Жамияти акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Кўшиб олинаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши ёхуд ваколатли органи топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам Жамиятлар акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Мазкур юридик шахслар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилиши юридик шахснинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Юридик шахслар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби кўшиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Бир юридик шахс бошқа юридик шахсга кўшиб олинаётганда кўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ кўшиб олаётган юридик шахсга ўтади.

17.5. Жамият фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш Жамиятни бўлиш деб эътироф этилади.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари, янги юридик шахсларни ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг акцияларини ташкил этилаётган юридик шахсларнинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби ҳақидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари, янги юридик шахсларни ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг акцияларини ташкил этилаётган юридик шахсларнинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби ҳақида қарор қабул қилади. Янгидан ташкил этилаётган ҳар бир юридик шахс акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ ташкил этилаётган икки ёки бир нечта юридик шахсга ўтади.

17.6. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш Жамиятни ажратиб чиқариш деб эътироф этилади.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги юридик шахсни ташкил этиш, Жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш имкониятлари ҳамда бундай айирбошлаш тартиби, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги юридик шахсни ташкил этиш, Жамиятнинг

акцияларини ажралиб чиқаётган юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш имкониятлари ҳамда бундай айирбошлаш тартиби, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилган Жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

17.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакли этиб ўзгартирилишга ҳақли.

Ўзгартирилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни ўзгартириш, ўзгартириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ўзгартирилаётган Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни ўзгартириш, ўзгартириш тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қилади. Жамиятни ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган юридик шахснинг иштирокчилари Жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан кейин таъсис ҳужжатларини тасдиқлайди ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахснинг бошқарув органларини сайлайди (тайинлайди).

Жамият ўзгартирилганида унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолади.

б) Жамиятни тугатиш тартиби

17.8. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

17.9. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- қонун ҳужжатларига белгиланган бошқа ҳолларда.

17.10. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда «Тугатувчи» деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

17.11. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17.12. Тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

17.13. Тугатувчи:

- Жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат Жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим;

— кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

17.14. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

17.15. Агар тугатилаётган Жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

17.16. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

17.17. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

17.18. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган навбат бўйича тақсимланади.

17.19. Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

17.20. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатидан ўтказувчи орган Жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамият қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритилади.

17.21. Тугатувчи атайин нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Жамиятга келтирилган зарар учун жавобгардир.

ХVIII. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ САҚЛАШ

18.1. Жамият:

- жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;
- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни ва акциялар эмиссияси рисоласини;
- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
- жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият бош директорининг буйруқларини;
- жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;
- жамият акциядорларининг реестрларини;
- жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

18.2. Жамият 18.1 бандида кўзда тутилган (или белгиланган) ҳужжатларни ўзининг бош офисида сақлайди.

XIX. СУҒУРТАЛАШ

19.1. Жамият фаолияти билан боғлиқ мулк ва таваккалчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқ суғурталаниши мумкин.

XX. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ

20.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

20.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

20.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

20.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг Бош директори, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

20.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва фонуний манфаатларини ҳисоя қилиш билан боғлиқ харажатларни кўриб чиқиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;
- қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

20.6. Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

20.7. Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзолари сони беш кишидан иборат сайланади.

20.8. Миноритар акциядорлар кўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилида ҳисобот беради.

20.9. Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

20.10. Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

20.11. Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

20.12. Миноритар акциядорлар кўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

20.13. Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

20.14. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият Бош директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Мазкур Устав, белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб кучга киради.

21.2. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

21.3. Ушбу Уставда акс этирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

**“Indorama Kokand Fertilizers and
Chemicals” АЖ**

Бош директори

Rahul Singh

